

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИҚОВ БАХТИЁР ХИДИРОВИЧ**

**МАЛАКАЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ВА  
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2023**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Холиқов Бахтиёр Хидирович**

Малакали курашчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини  
оптималлаштириш технологияси ..... 3

**Холиков Бахтиёр Хидирович**

Технология оптимизации техника-тактической и физической подготовки  
квалифицированных борцов ..... 29

**Kholikov Bakhtiyor Khidirovich**

Technology of optimization of technical-tactical and physical training of qualified  
wrestlers ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....60

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛИҚОВ БАХТИЁР ХИДИРОВИЧ**

**МАЛАКАЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ВА  
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва  
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped 2343 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Артиқов Зоҳид Собирович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тажибаев Сойибжон Самижонович**  
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

**Алиев Искандар Бахромович**  
педагогика фанлари номзоди доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Намаган Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават илмий даражалар берувчи илмий кенгаш зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 211957 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2023 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М. Х. Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,

п. ф. б. ф. д., (PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п. ф. д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида курашчиларининг мусобақа ва машғулот жараёнларида асосий эътибор мусобақа олди тайёргарлигига, айниқса курашчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигига катта аҳамият бериб келинмоқда, сабаби жисмоний тайёргарликнинг узвий уйғунлашиши мусобақа беллашувларидаги натижаларни юқори даражага кўтарилишига хизмат қилмоқда. Кураш спорт тури сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий спорт турларидан бири бўлиб, курашчиларининг жисмоний ва техник тайёргарлигини оптималлаштириш йўлида яқкакураш спорт турларида фойдаланидиган барча машқлар бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил қилиш ҳамда курашчиларнинг техник-тактик тайёргарликларини такомиллаштириш орқали спортчиларга юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Жаҳон миқёсида етакчи спорт ташкилотлари томонидан кураш бўйича малакали спортчиларни тайёрлаш, уларнинг машғулот юкламаларини оптималлаштириш, муҳимлик даражасига кўра табақалаштириш, саралаш меъёрларини ишлаб чиқиш билан фаол тикланиш воситаларини курашчиларга қўллаш бўйича қатор изланишлар олиб борилмоқда. Кураш мусобақаларини кузатиш натижасида малакали курашчилари томонидан бажарилган юқори маҳоратни акс эттирувчи ҳаракат тайёргарлигининг самарали жисмоний ва техник-тактик тайёрлигини илмий таъминлаш, асослаш ҳамда тажриба натижаларини ўқув-машғулот жараёнига жорий қилиш мақсадида, спорт оламида курашчиларининг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигига йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Малакали курашчилар учун кўп йиллик тайёргарлик юкламаларини тизимлаштириш ва оптимал нисбатларини ишлаб чиқиш, уларни илмий асослаш ҳамда режалаштириш ва назорат қилиш босқичларини тезкор амалиётга жорий қилиш талаби кучаймоқда.

Республикамизда спортни оммавийлаштириш ва юқори натижаларга эришиш мақсадида спортчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини ривожлантириш устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. “Курашни янада ривожлантириш ва оммалаштириш мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламларини ёшидан қатъи назар соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, ёшларни Ватанга садоқатли этиб тарбиялаш, курашни жаҳон халқларининг сеvimли спорт турларидан бирига айлантириш, унинг ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик каби инсонпарвар ғояларини дунё аҳлига янада кенг тарғиб қилиш, ушбу соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш орқали уни тижоратлаштириш ҳамда чинакам Ўзбекистонда кураш брендини оммавийлаштириш назарда тутади”<sup>1</sup>. Юқорида келтирилган вазифалар, малакали курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш ва машғулот юкламаларини оқилона режалаштириш, назорат қилиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ. Айнан шу жиҳатдан,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли қарори, www.Lex.uz 1-бет

машғулот жараёни тузилмаларида йиллик жисмоний тайёргарлик босқичларида юкламаларни оптималлаштириш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини рўёбга чиқариш ва такомиллаштириш, профессионал спортга ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда спортнинг кураш турига берилаётган эътибор жаҳон спорт ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳосида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон, “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4881-сонли “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда 2020 йил 4 мартдаги 122-сонли Вазирлар Маҳкамасини “Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эътироф этиш жоизки, ҳозирги пайтда юртимизда малакали курашчиларни тайёргарлигини бошқаришда амал қилиниши лозим бўлган методик тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада курашчилар тайёргарлигини самарали ошириш учун машғулот ва мусобақа фаолиятида жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги бўйича мамлакатимиз олимлари Н.А.Керимов, Ф.А.Керимов, А.Н.Абдиев, В.Н.Шин, З.А.Бакиев, Р.Д.Халмухамедов, Г.Б.Абдурасулова, С.С.Тажибоев, Ж.М.Нуршин, Ш.А.Мирзакулов, Н.А.Тастанов, Ш.Х.Ханкелдиев, А.Р.Таймурадов, З.С.Артиқов А.Н.Элов, Ш.С.Мирзановлар томонидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Керимов Н.А. Программированное обучение технико-тактическим действиям в спортивной борьбе: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. - М., 1990. -24 с. Керимов Ф.А. Теоретико-методические направления совершенствования содержания и структуры дисциплины спортивная борьба: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. -М., 1995.-26 с., Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств: Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Т., 2004. -51с. Бакиев З.А., Тастанов Н.А. Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов на основе автоматизированного анализа соревновательной деятельности // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008.- №3. – Б. 125-130. Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н., Абдурасулова Г.Б., Тажибоев С.С. Ёш яққакурашчиларни кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг турли босқичларида саралашнинг меъёрлари/ Ўқув-услубий кўлланма – ЎзДЖТИ., 2013. – 166 б.; Ж.М.Нуршин., Ш.А.Мирзакулов. Ёш белбоғли курашчиларнинг жисмонийтайёргарлиги// Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари/ Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. II қисм. – Тошкент. 2015. – Б. 83-84; Tastanov N.A. – Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. Darslik “Sano-standart” Toshkent. 2017 y. 480 b.

Мазкур муаммони ҳал қилинишига жаҳон олимларидан Л.П.Матвеев, В.П.Филин, Г.С.Туманян, В.И.Лях, Л.В.Волков, С.В.Степанов, В.Н. Платонов<sup>3</sup> ва уларнинг сафдошлари катта ҳисса қўшган ва улар амалга оширган тадқиқотларнинг натижалари алоҳида эътиборга сазовор. Ушбу олимлар томонидан ишлаб чиқилган усуллар малакали курашчиларни машғулот жараёнларида унумли фойдаланиши ва уларни жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш тизимига жорий этиш соҳасида махсус тадқиқотлар олиб боришни кўпайтиришни тақазо этади.

Юқорида келтирилган фикрлар, малакали курашчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-услубий материаллар курашчиларни ўргатиш пайтида мазкур муаммо бўйича тадқиқотларнинг етарли эмаслигини ва танланган мавзунини долзарблигини тасдиқлайди.

**Диссертация тадқиқотини жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқболли режасида V.1/34 «Кураш спорт таълим муассаслари машғулотларида янги педагогик технологияларни қўллаш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малакали курашчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш учун махсус машқларни қўллаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

малакали курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ривожлантиришда курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш;

малакали курашчиларнинг мусобақа жараёнида ҳужум ҳаракатларини такомиллаштиришда беллашув жараёнидаги қулай вазиятларда сараланган техник усуллардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

малакали курашчиларнинг мусобақаолди тайёргарлик даврида алдамчи ҳаракатларга ўргатиш орқали беллашув тактикасини такомиллаштириш;

малакали курашчиларни беллашув жараёнларидаги ҳужум ҳаракатларини бажаришдаги самарадорлик даражасини оширишда қарши тактик ҳужум ҳаракатлари такомиллаштириш;

---

Mirzaqulov Sh.A., Mirzanov Sh.S., Artiқov Z.S., Qirg'izboev M.M. – Sport pedagogik mahoratini oshirish (Belbog'li kurash). O'quv qo'llanma. "PRESS NASHRIYOTI", 2018 y.- 172 b. Ш.Х Ханкелдиев Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. – Т.: ЎзДЖТСУ. – 2019. –232 б. Таймуротов А.Р., Кураш турлари назарияси ва услубияти. Дарслик. Т- 2019. 195 б.; Artiқov Z. – Sport pedagogik mahoratini oshirish (belbog'li kurash) O'quv qo'llanma – Toshkent "O'zkitobsavdonashrioti", 2020 y. 144 b. ЭЛОВ А.Н. Повышение спортивного мастерство по дзюдо. Учебник. "Davr matbuot savdo" нашриёти 2020 йил.-249 б. Mirzanov SH.S., Belbog'li kurashchilarda kuch qobiliyatini izokenitik mashqlar yordamida rivojlantirishning baholash metodikasi. Monografiya «LESSON PRESS» MCHJ nashriyoti, 2021 -130 b

<sup>3</sup>Л.П.Матвеев, Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316с.; Л.П.Волков, Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294с.; В.П.Филин, Спортивная подготовка как многолетний процесс. // Современная система спортивной подготовки. М.: САМ, 1995, Г.С.Туманян, Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов / учебное пособие / - М.: Академия, 2006.-592с.; В.И.Лях Координационные способности: диагностика и развитие. - М.: ТВТ Дивизион, 2006- 290 с; С.В.Степанов, Е.В.Головухин Единоробства как средство развития личности (PDF) Екатеринбург: Альфа Принт, 2018. - 649 с. — ISBN 978-5-6040520-1-3.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Кураш” ихтисослиги бўйича талабаларнинг мусобақа ва ўқув-тренировка жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** - Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг мусобақа ва ўқув-тренировка жараёнида техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета-сўровнома, педагогик кузатиш, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика таҳлили усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

курашчиларнинг мусобақаолди тайёргарлик даврида хужум ҳаракатларини такомиллаштириш учун супирма ва ташлаш техник-тактик ҳаракатларни бажаришда ҳар бир ҳолатга танлаб йўналтирилган махсус машқларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобига малакали курашчиларни беллашувга тайёргарлик тактикасини шакиллантириш имкониятлари кенгайтирилган;

малакали курашчиларнинг мусобақа фаолиятидаги қийин вазиятларда рақиб хужумидан чиқиб кетиш ва қарши хужумни рақибга қарши қўллаш билан рақибни йиқитиш ва алдамчи чалиш усулини бажариш ҳисобига беллашув вазиятини ўз фойдасига ҳал этиш имконияти кенгайтирилган;

малакали курашчиларнинг мусобақаларга тайёрлашда тик турган ҳолатда рақибни елкадан ошириб ташлаш техник усуллари бажариш интервалини вазн тоифалари бўйича меъёрлаштириш ҳисобига асиметрик ҳолатларда беллашувни олиб бориш тактикаси такомиллаштирилган;

малакали курашчиларнинг беллашув жараёнидаги тактик хужум ҳаракатларини оптималлаштириш учун рақиб оёгини илиб орқага йиқитиш усуллари бошланғич элементларини алдамчи ҳаракатларда қўллаш ҳисобига мураккаб хужум ҳаракатлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кураш билан шуғулланувчи курашчиларнинг ўқув-тренировка жараёнида қўлланиладиган техник усуллар уларнинг ёши, вазни, антропометрик кўрсаткичлари ва жисмоний сифатлари даражаларини инобатга олган ҳолда ўрганилган;

ўқув-тренировка жараёнида тажриба гуруҳининг ҳар бир курашчиси учун антропометрик ўлчамлар ва ҳаракатлар, мусобақада тўкнаш келиши мумкин бўлган рақибларникига ўхшаш бўлган шерикларни “рақиб” қилиб танлаш ва юклама ҳажмини доимий равишда ошириш орқали, уларнинг техник усуллар арсенали бойитилган;

мусобақа шароитига яқинлаштирилган техник усулларни ўқув-тренировка жараёнида қўллаш орқали, курашчиларнинг экстремал вазиятларга тайёрлик даражаси оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончлилиги, адекватлиги, тадқиқот мақсадлари, педагогик

тажрибада олинган ўлчаш натижаларининг етарли ҳажми ва репрезентативлиги, олинган маълумотларнинг компьютер техникаси ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, тажриба давомида статистик ишончли ўзгаришини аниқланганлиги, таҳлил натижалари мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг тажрибавий маълумотлари билан таққосланганлиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот техник ҳаракатларнинг қўлланилганлиги, малакали курашчиларни техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш пайтида ўқув-тренировка жараёнида махсус жисмоний тайёргарлик машқларини бажаришни оптималлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш учун концептуал назарий ва услубий муаммоларни ҳал қилинишини зарурати, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти курашчилар томонидан нуфузли мусобақаларда қўлланиладиган ғалаба келтирган техник усулларни ўрганиш ва шу техник усуллар асосида ишлаб чиқилган дастурни курашчиларнинг ўқув-тренировка жараёнига жорий этиш асосида курашчилар томонидан беллашувларни олиб боришнинг илмий моҳияти очиб берилган ва олинган маълумотлар спорт кураши назарияси ва услубияти соҳасидаги назарий билимларни бойитиш ва кенгайтиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти курашчилар томонидан қўлланиладиган асосий техник усуллар, мусобақа фаолиятида қўлланиладиган техник ҳаракатлар ва курашчиларнинг индивидуал хусусиятлари аниқланганлиги ва натижалари мусобақа жараёнида кўп қўлланиладиган асосий техник-тактик ҳаракатларни ривожлантириш учун техник усуллар технологиясини ишлаб чиқиш ва меъёрлаш ҳамда тавсияларни машғулот жараёнига жорий этишга имкон яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Курашчиларни техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида;

супирма ва йиқитиш техник-тактик ҳаракатларни бажаришда ҳар бир ҳолатга танлаб йўналтирилган махсус машқларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар «Кураш назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-074 рақамли гувоҳнома). Натижада, тадқиқот якунида тажриба гуруҳи курашчиларининг мусобақа фаолияти ва техник тайёргарлик бўйича 4 та кўрсаткичи 18%га яхшиланган;

малакали курашчиларнинг мусобақа фаолиятидаги қийин вазиятларда рақиб ҳужумидан чиқиб кетиш ва қарши ҳужумни рақибга қарши қўллаш билан рақибни йиқитиш ва алдамчи чалиш усули бўйича таклифларга асосан ишлаб чиқилган дастур «Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт

университети, Кураш факултети, Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти кафедрасининг кураш ихтисослиги» спортчиларнинг машғулот жараёнларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 03-17-02-678-сон маълумотномаси). Натижада, қарши ҳужумда муваффақиятли бажарилган техник усуллар 12% га ошган;

тик турган ҳолатда рақибни елкадан ошириб ташлаш техник усулларини бажариш интервалини вазн тоифалари бўйича меъёрлаштиришга қаратилган машғулот бўйича амалий тавсиялар «Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Кураш факултети, Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти кафедрасининг кураш ихтисослиги» спортчиларнинг машғулот жараёнларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 03-17-02-678-сон маълумотномаси). Натижада, тажриба гуруҳи курашчилари томонидан ҳужум ҳаракатларини бажариш учун сарфланган вақт кўрсаткичлари 14%га яхшиланган;

малакали курашчиларнинг беллашув жараёнидаги тактик ҳужум ҳаракатларини оптималлаштириш учун оёқни ўраб орқага йикитиш усулларини бошланғич элементларини алдамчи ҳаракатларда қўллаш бўйича таклифлар «Кураш назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-074 рақамли гувоҳнома). Натижада, техник ҳаракатларни бажариш учун асосий жисмоний сифат 19% га яхшиланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола (2 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, 145 бетда ифода этилган. Диссертацияда 18 та жадвал, 18 та расм ва татбиқ этиш далолатномаси киради.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг

ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Малакали курашчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлиги муаммоларини адабиётлардаги манбалар бўйича таҳлили”** деб номланган биринчи бобида малакали курашчиларни тайёрлашда техник-тактик маҳоратни шакллантириш ва жисмоний ривожланишини илмий методик асослари, машғулотларда қўлланилган у ёки бу техник машқларнинг ҳажми ва муддати ҳамда ушбу кўрсаткичларни шуғулланувчилар организмига таъсир этиш даражаси объектив равишда баҳоланиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Муаммони адабиётлардаги мавжуд манбаларни таҳлил қилиш орқали олинган маълумотлар асосида ўрганиш, малакали курашчиларни техник-тактик, махсус ва жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш зарур деган фикрни тасдиқлайди.

Кураш, спортчининг техник-тактик ҳаракатлари турли-туманлиги сабабли бошқа спорт турларидан фарқ қилади. Курашчининг техник ҳаракатларини тартибга солиш ва ушбу соҳада мутахассислар ўртасида мулоқот қилиш имконини яратиш учун кураш техникасининг таснифи, тизими ҳамда атамалари ишлаб чиқилган. Спорт соҳасига оид илмий-услубий адабиётларда ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратилган. Курашда беллашувни олиб бориш услуби турли хил бўлган рақиблар билан олишиш шакллари, турлари, услублари ва вариантлари спортчининг тактик маҳорати беллашувнинг тўғри ташкил қилиниши ва уни бошқарилиши билан белгиланади.

Спортчининг тактик маҳорати рақибнинг кучли томонларини бартараф этиш, унинг бўш томонларидан фойдаланиш ва шу билан бир вақтда индивидуал беллашув олиб бориш услубини қўллай билишида номоён бўлади. Беллашувни бошқариш ва уни олиб бориш санъати беллашув режасини амалда қўллай олиш, унга аниқлик киритиш, зарур ҳолларда эса, беллашув давомида уни ўзгартира олишдан иборат. Шунинг учун, беллашувни бошқариш малакаси спортчини олишувлар пайтида тезкор фикр юритишига ва унинг иродавий сифатларига боғлиқ.

Юқорида келтирилган маълумотлар малакали курашчиларни тайёрлашда техник-тактик маҳоратни шакллантириш ва жисмоний ривожланиши юзасидан ҳар хил фикрлар мавжуд бўлсада, кураш спорт турида малакали спортчиларни техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш технологияси бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкил этиш”** деб номлаган иккинчи бобида тадқиқотнинг илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатиш, педагогик назорат, педагогик тестлаш, инструментал усуллари, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни тестлаш

усуллари, педагогик тажриба, математик-статистик усуллари, тадқиқотни ташкил этиш юзасидан маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар 2015-2021 йиллар давомида 3 та босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич, яъни назарий изланишлар босқичида (2015–2017 йиллар) ўрганилаётган масала бўйича мавжуд илмий ва амалий ҳолат таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, илмий аппарати ва дастурлари белгиланди, тадқиқот усуллари ва услублари танланди.

Иккинчи босқичда, яъни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш босқичида (2017-2019 йиллар) Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби машғулот жараёнида технологик моделни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш, таълим мазмунини педагогик моделлаштириш учун мезон ва кўрсаткичлар тизимини белгилаш, мураббийлар ўртасида анкета-сўров ўтказиш, тажриба ишларини олиб бориш, тадқиқотнинг тахминини асослаш амалга оширилди.

Учинчи босқичда (2019-2021 йиллар) асосий педагогик тажрибалар ўтказилди, малакали курашчиларнинг машғулот фаолияти кузатилди, умумий ва махсус жисмоний ҳамда техник-тактик тайёргарлик даражалари динамикаси назорат қилинди, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш юзасидан белгиланган ишлар бажарилди. Тадқиқотлар жараёнида малакали курашчиларда қўлланиладиган асосий умумий ва махсус жисмоний машқлар аниқланиб, техник-тактик тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида турли хил назорат машқларидан фойдаланилди. Ушбу босқичнинг яқунловчи қисмида тадқиқотлар давомида олинган тажриба натижалари умумлаштирилди ва математик-статистик усуллар асосида қиёсий таҳлил қилинди. Малакали курашчиларни техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш технологиясини самарадорлиги тажрибада асосланди. Соҳа мураббийлари ва мутахассислари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертацияни **“Курашчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган машғулот жараёнини оптимал тузилиши”** деб номланган учинчи бобда малакали курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оптималлаштириш муаммоси турли тоифадаги спортчилар тренировкасини тузиш учун долзарб бўлиб, айниқса малакали спортчиларни маъсулиятли мусобақаларга тайёрлашда ўта долзарб аҳамиятга эга эканлиги тажрибаларда тасдиқланди.

Малакали курашчиларнинг тренировка жараёнини оқилона меъёрлаш ва педагогик воситалар, услублар мажмуасидан машғулот сифатини кўтаришда микроцикл машғулотларини оқилона алмашлаб ўтишнинг амалий кўникмалари, мураббийлар ўртасида ўтказилган анкета-сўров натижаларида билдирилган фикрлар асосида малакали курашчиларни Жаҳон ареналарида кўрсатиб келаётган ютуқлари, мусобақа беллашувларини кузатиш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, улар томонидан бажарилаётган техник ҳаракатлар ўз маромига етказилиб бажарилаётганлиги ва ноқулай вазиятлардан ҳам енгиллик билан чиқиб кетиш ҳолатлари, техник усулларни маромига етказиб


бажарган бир қанча юқори малакали курашчиларнинг техник-тактик маҳорат даражалари аниқланди.

Малакали курашчиларни беллашувлар жараёнида оддий ва мураккаб хужум ҳаракатлари ичида асосий ташлаш усулларидан кўп маротаба фойдаланганлиги туфайли, биз, мусобақаларда кўп самара келтирган усулларни ва уларга хос машқларни танлаб олдик. Махсус техник ҳаракатлардан таркиб топган, биз томондан ишлаб чиқилган дастурни ўқув-тренировка жараёнига жорий этишдан олдин, курашчиларни куч, тезкорлик сифатларини ривожланганлик даражаларини аниқловчи машқлардан таркиб топган тестлар асосида курашчилар синовдан ўтказилди. Синов натижаларига кўра, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети кураш ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган назорат ва тажриба гуруҳи талабалари меъёр талабларини аъло даражада бажара олишганлиги аниқланди. Шу билан бирга, техник усуллар дастури такомиллаштирилди ва уни жорий этишдан аввал, курашчиларнинг техник усуллар арсеналининг такомиллашганлик даражаларини аниқловчи фан дастурига киритилган техник усуллардан ўртача эканлиги аниқланди.

Малакали курашчилар тайёргарлигида қўлланиладиган юкламалар тузилмасини чуқур текшириш борасида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида юкламалар нисбатини режалаштиришни ва уларни тизимлаштиришни амалга ошириш имконини берадиган, техник-тактик ҳаракатларни бажариш самарадорлигини оширишга қаратилган технология ишлаб чиқилди (1-расм).



## Йиқитишлар



**Расм 1. Курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган махсус машқларни қўллаш технологияси**

**Супириш:** 1. Шерикни бир енги ва ёқасидан ушлаб супирш а) кўприк ҳолатидан қўлларга таяниб ошиб утиш, б) баланд турникда тортилиш в) бошга таяниб ўнг ва чапга айланиш;

2. Шерикни икки енгидан ушлаб оёқ кафти билан супириш, а) қўлларга таяниб қўлларни букиб ёзиш, б) оёқларни эгулувчанлигини ривожлантириш. в) олдинга эгилиб белни ўнг ва чап тамонларга буриш.

**Йиқитиш:** 1. Шерикни бир қўли ва белидан ушлаб болдир билан болдирдан ураб орқага ташлаш: а) оёқсиз арқонга тирмашиб чиқиш б) ётган ҳолда гавдани букиб ёзиш тезликка (пресс), в) бошга таяниб ўнг ва чапга айланиш (забегания);

2. Шерикни бир ёқа ва белидан ушлаб оёқ билан оёқдан ўраб орқага йиқитиш. а) кўприк ҳолатида қўлларга таяниб ошиб ўтиш, б) қўлларга таяниб қўлларни букиб ёзиш, в) турган жойида баландликка сакраш.

**Ташлашлар:** 1. Шерикни бир қўли ва белидан ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш: а) шеригининг белидан ушлаб кўтариб қўйиш (марта), б) 32 кг тошни кўтариб орқага отиш, в) шеригини қўли ва оёғидан ушлаб кўтариб ўтириб туриш;

2. Шерикни бир қўли ва ёқадан ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш, а) 20 кг штангани кўтариш (марта), б) сакраган ҳолда тосларни ўнга ва чапга буриш, в) қўллар олдинда ўнг оёқ чап қўлга, чап оёқни ўнг қўлга теккизиш;

3. Шерикни бир қўли ва ёқасидан ушлаб оёқлар ичидан кўтариб ташлаш, а) гавдани олдинга эккан ҳолда ўз вазнига тенг штангани кўтариб қўйиш, б) шеригига таяниб оёқларни орқага кўтариш (ўнг ва чап) томонларга. в) гиламга оёқларни ёзган ҳолда ўтириб гавдани чап ва ўнг оёқларга эгиш.

Биз томондан ишлаб чиқилган, курашчиларни техник усулларга ўргатишда умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик дастурини малакали курашчиларнинг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилиниши натижасида 1-блокни супириш усулини ривожлантириш машқлар мажмуаси (1-жадвал) бўйича рақибни бир енги ва ёқасидан ушлаб супириш усулини тажриба гуруҳи курашчилари томонидан бажаришлар сони 3 ойдан кейин 15-20 мартани, икки енгидан ушлаб оёқ кафти билан супириш 80-100 мартани, бир қўли ва белидан ушлаб болдир билан болдирдан ўраб орқага ташлаш 40-50 мартани ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги курашчиларнинг кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 18%, 19% ва 17% юқори бўлди ( $P < 0,01$ ). Худди шундай, натижаларни яхшиланиши тажриба гуруҳи курашчилари томонидан йиқитиш усулини ривожлантириш машқлар мажмуасини уччала машқларини бажариш (1-рақибни бир қўли ва белидан ушлаб болдир билан болдирдан ураб орқага ташлаш; 2-бир ёқа ва белидан ушлаб оёқ билан оёқдан ўраб орқага йиқитиш; 3-рақибнинг ўнг ва чап қўлига осилган ҳолда оёқ билан оёқлар ичидан тортиб

орқага йиқитиш) бўйича ҳам, 3-блокни ташлаш усуллари ривожлантириш машқлар мажмуасини ўнта машқларини бажариш (1-бир ёқадан ушлаб елкадан ошириб ташлаш; 2-икки ёқадан ушлаб елкадан ошириб ташлаш; 3-бир қўли ва белбоғидан ушлаб белдан ошириб ташлаш; 4-бир қўли ва орқадан белбоғидан ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш; 5-бир қўли ва белидан ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш; 6-бир енги ва ёқадан ушлаб елкадан ошириб ташлаш; 7-икки енгидан ушлаб елкадан ошириб ташлаш; 8-бир қўли ва бўйнидан ушлаб белдан ошириб ташлаш; 9-бир қўли ва ёқадан ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш; 10-бир қўли ва ёқасидан ушлаб оёқлар ичидан кўтариб ташлаш) бўйича ҳам назорат гуруҳи курашчиларининг кўрсаткичларига нисбатан ўртача 1,5-2 марта яхшиланганлиги аниқланди. Барча ҳолатларда ишончлилик даражаси  $P < 0,05$  ни ташкил қилган.

Мусобақа жараёнида ташлаш усуллари такомиллаштириш ва мураккаб вазиятларда қўллаш кўникмаларини шакллантириш учун махсус машқлар, ошириб ташлаш усулига яқинлаштирилган машқлар, шерик ёрдами билан ҳаракатда ва жойида туриб бажариладиган машқлар ҳажми ва якка ҳолда эгилувчанликни ривожлантирувчи машқлар фоизи умумий нисбати ва қайси шиддатда бажаралиши техник ҳаракатлар дастурида илмий асослаб берилди. Биз томондан ишлаб чиқилган дастур асосида машғулот жараёнларидаги асосий қисмда ўргатиладиган техник ҳаракатларни мусобақа беллашувларидаги мураккаб вазиятларда қўллаш кўникмаларини такомиллаштириш учун тик турган ҳолатдан ташлаш усуллари ҳажми ва техник усуллари бажариш сонининг фоизи умумий нисбати ва қайси шиддатда бажаралиши техник машқлар дастурида илмий асослаб берилди.

### 1-жадвал

#### Курашчиларни техник усулларга такомиллаштиришда умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик дастури

№	Машқлар мазмуни	Машқни бажаришга кетадиган ўртача вақт	Хар бир машқни бажариш ва такрорлашлар сони	Бажарилаётган ишнинг шиддат зонаси	ЮҚЧ, зарба/мин	Дам олиш вақти	
<b>Супириш усулини ривожлантириш машқлар мажмуаси</b>							
1	Шерикни бир енги ва ёқасидан ушлаб супириш	а) супиришни бажариш учун ёрдамчи машқлар	1-2 дақиқа ва ундан ортиқ	4 сериядан иборат, 4 марта такрорланад и.	2-3	80-90	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 25-30 сония.
		б) супиришни бажариш учун ёрдамчи машқлар	60-90 сония ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланад и.	2-3	110-120	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.

**1-жадвал давоми**

		в) супиришни бажариш учун ёрдамчи машқлар	20-30 сония ва ундан ортик	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.
2	Шерикни икки энгидан ушлаб оёк ички томони билан супириш	а) супиришни бажариш учун ердамчи машқлар	40-50 сония. ва ундан ортик	2-3 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	3-4	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.
		б) супиришни бажариш учун ердамчи машқлар	20-30 сония ва ундан ортик	2-3 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	3-4	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 20-30 сония.
		в) супиришни бажариш учун ердамчи машқлар	10-20 сония. ва ундан ортик	2-3 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	3-4	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 20-30 сония.
<b>Йиқитиш усулини ривожлантириш машқлар мажмуаси</b>							
1	Шерикни бир қўли ва белидан ушлаб оёк билан болдирдан ўраб орқага йиқитиш	а) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	1-2 дақ. ва ундан ортик	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	125-135	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.
		б) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	4-5 марта. ва ундан ортик	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	125-135	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1-1.5 дақ.
		в) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	4-5 марта. ва ундан ортик	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	125-135	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1-1.5 дақ.
2	Шерикни белидан ушлаб оёк билан оёқдан ураб орқага йиқитиш	а) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	10-20 сония. ва ундан ортик	8-10 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	3-4	110-120	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 20-30 сония.
		б) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	30-40 сония. ва ундан ортик	4-6 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	3-4	110-120	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 20-30 сония.
		в) йиқитишни бажариш учун ердамчи машқлар	20-30 сония. ва ундан ортик	3-4 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.	3-4	100-110	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.

**1-жадвал давоми**

Ташлаш усулларини ривожлантириш машқлар мажмуаси							
1	Шерикни бир қўли ва белидан ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш	а) ташлашни бажариш учун ердамчи машқлар	18-20 марта. ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 30-50 ония.
		б) ташлашни бажариш учун ердамчи машқлар	20-30 сония. ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 30-50 сония.
		в) ташлашни бажариш учун ердамчи машқлар	25-30 марта. ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	130-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.5-2.5 дақ.
	Шерикни бир қўли ва ёқадан ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш	а) ташлашни бажариш учун ердамчи машқлар	20-30 сония. ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 30-50 ония.
	Шерикни бир қўли ва ёқасидан ушлаб оёқлар ичидан кўтариб ташлаш	б) ташлашни бажариш учун ердамчи машқлар	20-30 сония. ва ундан ортиқ	3-4 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	2-3	120-140	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 30-50 ония.

Диссертациянинг “Малакали курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний, техник-тактик тайёргарлик нисбатини йил давомида оптималлаштириш технологияси” деб номланган тўртинчи бобида малакали курашчиларнинг умумий, махсус жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги нисбатини оптималлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш, уни самарадорлигини тажрибаларда асослаш ва машғулотларнинг таъсири йиғиндисини ўрганиб чиқиб, бир қатор хулосалар ва амалий тавсиялар бериш масалалари ёритилган. Малакали курашчиларнинг машғулотларида фойдаланилган юкламаларни таъсир даражаси, йўналиши ва оптималлашган ҳолда машғулотлар таркибига йил давомида киритилган, УЖТ ва МЖТ самарадорлиги тадқиқот бошида ва охирида t-Стъудент мезони бўйича аниқланди.

Курашчи мусобақа беллашувида ўзининг ҳаракат фаолиятини шакллантира туриб, беллашув натижасини башорат қилиш билан боғлиқ бўлган вазифани ҳал этади. Беллашувни олиб бориш моҳияти, образи ва ҳаракат образини, яъни курашчи ҳаракатининг мўлжали деб номланувчи ҳаракат мажмуасини бажариш пайтида таянадиган шарт-шароитлар тизимини ўзида мужассам қилади. Бу техник-тактик маҳоратнинг қай даражада такомиллаштирилганлигини аниқлаб беради. Техник маҳорат деганда кескин

спорт кураши шароитларида энг оқилона ҳаракат техникасини мукамал эгаллаш тушунилади.

Тадқиқот давомида тезликни, кучни, чидамкорликни, чаққонликни ва эгилувчанликни ривожлантириш машқлари ёрдамида юкламалар оптималлашган ҳолда олиб борилди ва унинг самарадорлиги аниқланди. Жумладан, малакали спортчилар машғулотларида фойдаланилган юкламаларнинг таъсир йўналиши аниқлаб берилди ва самарадорлиги тадқиқот бошида ва охирида аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида умумий қонуниятлар аниқланди, улар қуйидагилар: спортчилар организмга ҳар хил юкламали машғулотларнинг биргаликдаги таъсирини аниқлаш юкламалар катталиги ва йўналиши билан фарқ қилувчи машғулотларни алмашлаб ўтиш хусусиятлари; машғулотларни миқдорий йўналишларига асосан рационал алмашлаб қўллаш машғулот дастурларини бажариш самарадорлигини кўтаришга шароит яратади ва толиқишнинг олдини олади. Биз томондан ишлаб чиқилган технология асосида ташкил қиинган машғулотларнинг натижаларига кўра, машғулотнинг асосий қисмида ўргатиладиган техник ҳаракатларни мусобақа беллашувларидаги мураккаб вазиятларда қўллаш кўникмаларини такомиллаштириш учун тик турган ҳолатдан ташлаш усуллари ҳажми ва техник усуллари бажарилиши сонининг умумий нисбати ва қайси шиддатда бажаралиши техник машқлар дастурида илмий асослаб берилди.

Душанба куни эрталабки машғулотларда бир қўли ва ёқасидан ушлаб олдиндан чалиб ташлаш. Бир қўли ва ёқасидан ушлаб оёқлар ичидан кўтариб ташлаш техник усуллари (ўнг ва чап) томонларга бажариш, усулларни такомиллаштириш жуфтликда бажариладиган 1.5 соат давомида машғулотлар кураш гиламида бўлиб ўтади. Бунга сабаб, тавсия этилган мажмуада жуфтликда бажариладиган машқлар мавжуд.

Сешанба куни эрталабки машғулотлар очик ҳавода бўлиб ўтади. Бунга кўра гимнастик машқлар, узоқ масофага югуриш, арқонга оёқсиз тирмашиб чиқиш, шеригини кўтариб ўтириб туриш, баланд турникда тортилиш машқлари бажарилади. Бунда курашчилар умумий 1.5 соат давомида машғулот олиб бориши лозим. Куннинг иккинчи ярмида машғулотлар ўнг ва чап томонларга усулларга максимал даражада кириб чиқиш бассейнда бўлиб ўтади. Бунда машғулот жами 1.5 соат давомида умумий жисмоний тайёргарликка ажратилади.

Чоршанба куни эрталабки машғулотларда бир енги ва қўлтиғидан ушлаб елкадан ошириб ташлаш ва бир қўли ва белидан белбоғидан ушлаб белдан ошириб ташлаш техник усуллари (ўнг ва чап) томонларга бажариш, усулларни такомиллаштириш жуфтликда бажариладиган усули курашчилар умумий 1.5 соат давомида машғулотлар кураш гиламида бўлиб ўтади. Бунга сабаб, тавсия этилган мажмуада жуфтликда бажариладиган машқлар мавжуд.

Пайшанба куни бу машғулотга умумий 1.5 соат ажратилган махсус жисмоний тайёргарликка ажратилади. Бунга кўра курашчилар,

**УЖТ ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини оширишга  
йўналтирилган дастур**

т/р	Ҳафта кунлари	Ҳафта давомида олиб бориладиган машғулот мавзулари ва уларни бажарилиши шиддати	Машғулот ўтилгандан сўнг бажариладиган жисмоний машқлар	Машғулот вақти	
1.	Душанба	Бир кўли ва ёқасидан ушлаб олдиндан чалиб ташлаш. Бир кўли ва ёқасидан ушлаб оёқлар ичидан кўтариб ташлаш техник усулларини бажариш (ўнг ва чап) томонларга.	шерик билан	Кўл панжаси билан штанга грифи атрофида айланма ҳаракатларни бажариш мумкин. Грифни оғирлиги 20 кг ча етиши мумкин ва айланма ҳаракатларни икки йўналишда бажариш мумкин	80 дақ.
2.	Сешанба	Куч сифатини ривожлантирувчи машқлар	шерик билан	1. Арқонга оёқсиз тирмашиб чиқиш 2. Шеригини кўтариб ўтириб туриш. 3. Баланд турникда тортилиш	80 дақ.
		Резина ёрдамида ишлаш	якка ҳолда	Ўнг ва чап томонларга усулларга максимал даражада кириб чиқиш	
3.	Чоршанба	Бир энги ва култиғидан ушлаб елкадан ошириб ташлаш ва бир қули ва белидан белбоғидан ушлаб белдан ошириб ташлаш техник усулларини бажариш (ўнг ва чап) томонларга	шерик билан	Бу машқ полда бажарилади, умуртқа поғонаси максимал чўзилган, сўнг тана бир биқинга айланиб оёқларни бирини устига кўйилади. Гавда билан бурилиш чапга ва ўнга қараб бажарилади, оёқлар эса бурилганда букилган ҳолда айланади.	80 дақ.
4.	Пайшанба	Тезлик сифатини ривожлантирувчи машқлар	якка ҳолда	1. Гиламда рақибини тезликка ташлаш 2. 3 киши бўлиб тезликка ташлаш 3. Қияликка тезликка югуриш 4. Тезликка югуриш (қиска масофага)	80 дақ.
		Спорт ўйинлари	жамоа билан	футбол, волейбол, регби, минифутбол, баскетбол	
5.	Жума	Бир энги ва ёқасидан ушлаб орқадан чалиб йиқитиш, бир энги ва кўлини ошириб орқадан белбоғидан ошириб ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш техник усулларини бажариш (ўнг ва чап) томонларга	шерик билан	15–20 кг. ли штанга дисklarини кўл бармоқлари билан ушлаб олиб 10 м масофага дисklarни олиб бориш ва қайта чиқиш жойига етказиш. Бу машқ ҳам кўл мушакларини ривожланишини таъминлайди ва “ушлаш” ҳаракатини мустақалигини таъминлайди	80 дақ.
6.	Шанба	Эгилувчанлик сифатини ривожлантирувчи машқлар	якка ҳолда	1. Пешона ва кўлларга таяниб туриб олдига ва орқага ошиб ўтиш (переворот) 2. Пешонани гиламга кўйиб кўлларни кулф ҳолатида ушлаб ўнг ва чап томонларга айланиш (забегания) 3. 15 кг тошни арқонга бойлаб (ўнг ва чап) томонларга айлантириш.	80 дақ.
		Тикланиш тадбирлари	жамоа билан	Сауна, музли ванна, массаж, сузиш, физиотерапия.	
7.	Якшанба	Фаол дам олиш			

гиламда рақибини тезликка ташлаш, 3 киши бўлиб тезликка ташлаш, қияликка тезликка югуриш, тезликка югуриш (қисқа масофага) ўзининг вазнига тенг курашчини кўтариб ўтириб туриш, кўтариб стадион бўйлаб юриш ва махсус жисмоний тайёргарликка ажратилади. Куннинг иккинчи ярмида машғулотлар спорт ўйинлари ташкил этиш бунга кўра жамоавий ўйналадиган футбол баскетбол ва регби ўйинларини ташкиллаштириш учун машғулотларга умумий 1.5 соат ажратилган.

Жума куни эрталабки машғулотларда бир энги ва ёқасидан ушлаб орқадан чалиб йиқитиш, бир энги ва қулини ошириб орқадан белбоғидан ошириб ушлаб ёнбошдан ошириб ташлаш техник усулларини бажариш (ўнг ва чап) томонларга усулларини такомиллаштириш жуфтликда бажариладиган 1.5 соат давомида машғулотлар кураш гиламида бўлиб ўтади. Бунга сабаб тавсия этилган мажмуада жуфтликда бажариладиган машқлар мавжуд.

Шанба куни бу машғулотга умумий 1.5 соат махсус жисмоний тайёргарликка ажратилади, эрталабки машғулотларда гимнастик, яъни эгилувчанлик машқлари пишона ва қулларга таяниб туриб олдига ва орқага ошиб ўтиш (периворот), пишонани гиламга қуйиб қулларни замоқ ушлаб унг ва чап томонларга айланиш(забигания), 15 кг тошни арқонга бойлаб (ўнг ва чап) томонларга айлантериш бажарилади. Куннинг иккинчи ярмида машғулотларни тикланиш машқлари яъни сауна ташкиллаштириш лозим.


Якшанба куни дам олиш бўлганлиги сабабли очик ҳавода сайр қилиш, маданий хордиқ чмқариш, яъни мусиқа тинглаш фильмлар томоша қилиш амалга оширилади.

3-жадвал

**Тажриба гуруҳи курашчиларини техник усулларни 10 маротаба бажариш вақтини педагогик тажриба довомидаги ўзгариши динамикаси, (n=12)**

Синов учун техник усуллар номи								
	статистик кўрсаткичлар	Елкадан ошириб ташлаш (ЕОТ)	Ёнбошдан ошириб ташлаш (ЁОТ)	Белдан ошириб ташлаш (БОТ)	Оёқлар олдида чалиш (ООЧ)	Қушша сулини бажариш (ҚУБ)	Оёқ ичидан илиб орқага ташлаш (ОИИТ)	Тирсақларидан ушлаб елкадан ошириб ташлаш (ТУЕОТ)
Тажриба бошида	$\bar{X}$	11,26	12,62	11,67	12,37	12,72	13,32	12,25
	$\sigma$	1,83	2,13	2,07	2,08	2,24	2,11	2,07
	V, %	16,25	16,88	17,74	16,81	17,61	15,84	16,90
Тажриба охирида	$\bar{X}$	14,97	16,27	15,27	16,69	15,47	16,93	15,74
	$\sigma$	2,35	2,64	2,63	2,71	2,65	2,59	2,56
	V, %	15,70	16,23	17,22	16,24	17,13	15,30	16,26
Нисбий ўсиш, %		32,95	28,92	30,85	34,92	21,62	27,10	28,49
t		4,31	3,73	3,73	4,38	2,75	3,74	3,67
P		<0,001	<0,01	<0,01	<0,001	<0,05	<0,01	<0,01

